**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**РЎЙХАТГА ОЛИНДИ**
№ вм – 343 - 5А340607 – 2.04
« 1 » Июль **2003 й**

**«ТАСДИҚЛАНДИ»**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус**
**таълим вазирлиги**

________________________
« 8 » Июль **2003 й**

# МОЛИЯ БОЗОРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ
## фанидан

# Д А С Т У Р

**Олий таълимнинг 340000 -«Бизнес ва бошқарув» таълим соҳасидаги 5А340607 - «Халқаро молия бозорларидаги операциялар» магистратура мутахассислиги учун**

**Тошкент-2003**

**Тузувчилар:** Шохаъзамий Ш.Ш.
Джураев В.Д.

**Тақризчилар:** Нуритдинов Б.С.
Абдураимов А.А.
Исмоилов К.

Ушбу дастур Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сонли қарорига асосан ҳамда уларнинг негизида ишлаб чиқилган 5А340607 – “Халқаро молиявий бозорлардаги операциялар”, 5А340608 – “Қимматли қоғозлар ва биржа иши”, 5А340614 – “Инвестициялар бозорларини бошқариш” ва 5А340708 – “Банкларнинг қимматли қоғозлар билан операциялари” таълим соҳалари бўйича Давлат Таълим Стандартлари талаблари доирасида тайёрланган. Дастурда фаннинг назарий, услубий, амалий мавзулари ва масалалари етарли ёритилган. Дастур доирасида фанни ўрганиш замонавий педагогик, ўқув-услубий, илмий ва амалий технологияларга асосланади. Дастур иқтисодий йўналишдаги магистратура талабаларини ўқитишга мўлжалланган.

Настоящая программа подготовлена на основе Закона Республики Узбекистан “Об образовании” и постановления Кабинета Министров от 16 августа 2001 года №343, а также разработанных на их основе Государственных Стандартов по направлениям образования 5А340607 – “Операции на международных финансовых рынках”, 5А340608 – “Ценные бумаги и биржевое дело”, 5А340614 – “Управление рынками инвестиций” и 5А340708 – “Операции банков с ценными бумагами”. В ней в достаточной мере освещены теоретические, методологические, практические темы и вопросы дисциплины. Изучение дисциплины в рамках программы основывается на современные педагогические, учебно-методические, научные и практические технологии. Программа предназначена для обучения студентов магистратуры экономических направлений.

This program was prepared according to the law of the Republic of Uzbekistan “ About Education” and to the enactment of the Cabinet of Ministers (from August 16, 2001, №343), as well as according to the State Educational Standards, such as 5A340607- “Operations at International Financial Markets”, 5A340608- “Securities and Stock Exchange”, 5A340614 – “ Management of Investment Markets ”, 5A340708 – “The securities operations of banks ”, created on basis of the aforementioned laws. Theoretical, methodological, practical themes and issues of the discipline were sufficiently stated in the program. According to the program, studies of the discipline are based on the up-to-date pedagogical, educational, methodological, scientific, and practical technologies. The program is designed for tuition of graduate students’ of economical directions.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (25 апрель 2003 йил 9-сонли баённома)

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли

мажлис баёни).

## 1. СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" ги Қонунида, Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастурида ҳар томонлама етук ва баркамол кадр-мутахассисларни тайёрлаш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналишиэканлиги қайд этилган. Ушбу ишларни амалга ошириш борасида Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сонли қарорига асосан ишлаб чиқилган 5А340607 – "Халқаро молиявий бозорлардаги операциялар", 5А340608 – "Қимматли қоғозлар ва биржа иши", 5А340614 – "Инвестициялар бозорларини бошқариш" ва 5А340708 – "Банкларнинг қимматли қоғозлар билан операциялари" таълим соҳалари бўйича Давлат Таълим Стандартлари жорий қилинди. Амалдаги Стандартлар асосида тайёрланган дастур "Молия бозорини мувофиқлаштириш" фанининг назарий, услубий ва амалий мавзулари ҳамда масалаларини ўз ичига олган бўлиб, фанни ўрганишнинг замонавий педагогик, ўқув-услубий, илмий ва амалий технологияларга асосланади. Дастур иқтисодий йўналишдаги магистратура талабаларини ўқитишга мўлжалланган.

### Ўқитишнинг мақсади ва вазифаси, ҳамда бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги

Ўқитишнинг мақсади талабаларга молия бозорини мувофиқлаштириш соҳасидаги фаолиятнинг умумлаштирилган назарий, методологик, амалий билим ва кўникмаларини беришдир.

Ўқитишнинг вазифаси талабаларни молия бозорини мувофиқлаштириш соҳаси бўйича илмий-тадқиқот, илмий-педагогик ва амалий-ишлаб чиқариш фаолиятга тайёрлашдир.

"Молия бозорини мувофиқлаштириш" фани магистратуранинг 5А340607 – "Халқаро молиявий бозорлардаги операциялар", 5А340608 – "Қимматли қоғозлар ва биржа иши", 5А340614 – "Инвестициялар бозорларини бошқариш", 5А340708 – "Банкларнинг қимматли қоғозлар билан операциялари" мутахассисликларида асосий фанлардан бири бўлиб, бу фан кўрсатилган йўналишлар доирасидаги бошқа фанларга асосланади ва улар билан узвий боғланган.

### "Молия бозорини мувофиқлаштириш" фани доирасида магистрант-талабалар билимига, укувига ва кўникмасига қўйиладиган талаблар

Талабалар фанни ўрганиш натижасида фанни ўқитишдан кўзланган мақсад ва вазифаларга эришишлари лозим, шу доирада олган билимларини, укувларини ва кўникмаларини илмий-тадқиқот, илмий-педагогик ва амалий-ишлаб чиқариш фаолиятларида кўрсатилган таълим йўналишлари бўйича Давлат Таълим Стандартларида талаб қилинганидек самарали қўллай олишлари керак.

### Фанни ўқитишдаги янги технологиялар

Талабаларга замонавий усулда фанни ўргатиш ва уларнинг билимини баҳолаш учун қуйидаги технологиялар ва материаллардан фойдаланилади:

-талабаларни аудиторияда ва аудиториядан ташқари ўқитишнинг, мустақил таълимнинг педагогик илғор усуллари;

-ўқитишнинг техник воситалари, ўқув фильмлари, слайдлар, дидактик материаллар, плакатлар, тестлар, амалий масалалар, иш ўйинлари, кўргазмали қуроллар, электрон шаклдаги материаллар, статистик ахборот, тарқатма ўқув материаллари, методик кўрсатмалар, янги дарсликлар, маъруза матнлари, монографиялар;

-тегишли қонуний ва меъёрий ҳужжатлар;

-фан бўйича халқаро ва Ўзбекистон тажрибасига оид тегишли материаллар;

-компьютер-ахборот технологиялари, махсус дастурлари ва ИНТЕРНЕТ ёрдамида фанга тегишли билим ва материаллар;

-талабалар билимини мунтазам жорий, оралиқ ва якуний баҳолашда сўров, рефератлар ёзиш, тест-текширув, амалий масалалар ечтириш усулларидан фойдаланиш;

-иқтидорли талабаларга фан доирасида чуқуррoқ, қўшимча ва мустақил ишлашлари учун шароитлар яратиб бериш;

- мутахассисларнинг илмий-амалий мақолалари, молия бозори (МБ) ва қимматли қоғозлар бозори (ҚҚБ) бўйича расмий ахборот бюллетенлари ва ҳисоботлар.

**Фанни ўқитиш семестрлари ва услубий кўрсатмалар**

"Молия бозорини мувофиқлаштириш" фани магистратуранинг 5А340607 – "Халқаро молиявий бозорлардаги операциялар", 5А340608 – "Қимматли қоғозлар ва биржа иши", 5А340614 – "Инвестициялар бозорларини бошқариш", 5А340708 – "Банкларнинг қимматли қоғозлар билан операциялари" мутахассисликларида биринчи семестрда 20 ҳафта давомида ушбу дастур асосида ўқитилади.

Фанни ўқитиш мобайнида дастурнинг фанни ўқитишдаги янги технологиялар бандида келтирилган материаллар ва технологиялар услубий кўрсатмалар сифатида қабул қилиниши мумкин.

Фанни ўрганиш маъруза ва амалий машғулот шаклида аудиторияда ўтиш усулида амалга оширилади. Талабалар аудиторияда олган назарий ва амалий билимларини мустаҳкамлаши учун мустақил таълим киритилган ҳамда уй вазифаларини бажарадилар. Уларнинг олган билимларини назорат қилиб боришнинг тест-синов, оралиқ, жорий ва якуний баҳолаш усуллари қўлланилади. Ўқув жараёни рейтинг тизими асосида ташкил қилинади ва улар ўқитувчилар томонидан баҳоланади.

Умумий ва ўқув ишлари турлари бўйича ҳажми Давлат Таълим Стандартида "Молия бозорини мувофиқлаштириш" фанига жами 120 соат ҳажмда вақт ажратилган. Шундан, 80 соат (40 соат маъруза, 40 соат амалий машғулот) аудитория машғулотларига, 40 соат мустақил таълимга ажратилган. Фандан курс иши ўқитувчилар раҳбарлигида бажарилади. Маъруза ва амалий машғулот ҳамда мустақил таълим ўқитувчилар раҳбарлигида аудиторияда ўтилади.

## 2. ФАН ДАСТУРИ

### Маъруза машғулотларининг намунавий мавзуси

**Молия бозори (МБ) ва қимматли қоғозлар бозори (ҚҚБ)ни мувофиқлаштириш асослари**

*МБ ва ҚҚБни мувофиқлаштириш объекти, мақсади ва вазифалари.*

МБ ва ҚҚБни мувофиқлаштиришнинг назарий, методологик асослари ва муаммолари.

Мувофиқлаштиришнинг усуллари (административ, индикатив, корпоратив) ва моделлари.

Шохмансур Шохаъзамий моделлари асосида МБ ва ҚҚБни индикатив усулда мувофиқлаштиришни талқин қилиш.

МБ ва ҚҚБни мувофиқлаштиришнинг жаҳон тажрибаси.

*Ўзбекистонда МБ ва ҚҚБни мувофиқлаштиришнинг модели ва ўзига хос хусусиятлари.*

**МБ ва ҚҚБни давлат томонидан мувофиқлаштириш**

МБ ва ҚҚБни давлат томонидан мувофиқлаштиришнинг роли, вазифалари,

функциялари ва механизми.

*Молия секторини мувофиқлаштиришга давлат аралашувининг сабаблари ва шакллари.*

Молия тизимини давлат томонидан мувофиқлаштириш ҳамда ривожлантиришнинг асосий муаммолари ва йўналишлари.

*МБ ва ҚҚБни мувофиқлаштиришга таъсир этувчи сиёсатлар (пул-кредит, бюджет-солиқ, антимонопол).*

МБ ва ҚҚБни, уларнинг иштирокчилари фаолиятини давлат томонидан мувофиқлаштиришнинг жаҳон тажрибаси.

Ўзбекистонда МБ ва ҚҚБни ҳамда уларнинг иштирокчиларини давлат томонидан мувофиқлаштиришнинг Ўзбекистон тажрибаси (механизми), мувофиқлаштирувчи давлат институтлари, уларнинг ўзаро алоқаси, функциялари ва стратегиялари, қонуний ва меъёрий асослари.

**МБ ва ҚҚБда ўз-ўзини мувофиқлаштириш**

МБ ва ҚҚБда ўз-ўзини мувофиқлаштиришнинг роли, вазифалари, функциялари ва механизми, ўз-ўзини мувофиқлаштирувчи ташкилотлар (ЎМТ), уларнинг турлари, ўзаро алоқаси ва МБ (ҚҚБ)ни мувофиқлаштирувчи давлат органлари билан ўзаро боғлиқлиги.

*МБ ва ҚҚБини ўз-ўзини мувофиқлаштиришнинг жаҳон тажрибаси.*

*ҚҚБида профессионал иштирок этишнинг этик қоидалари.*

Ўзбекистон МБ ва ҚҚБда ЎМТ, уларнинг МБ (ҚҚБ)даги роли, вазифалари, функциялари ва фаолият механизми, қонуний-меъёрий асослари.

*Ўзбекистондаги ЎМТларнинг турлари ва ўзаро ҳамда МБ (ҚҚБ)ни мувофиқлаштирувчи давлат органлари (институтлари) билан боғлиқлиги.*

**МБ ва ҚҚБни мувофиқлаштирувчи масъул давлат институтлари ва ЎМТлар орасида МБ (ҚҚБ)ини тартибга солишдаги функцияларни ўзаро тақсимланиши**

МБ ва ККБни мувофиклаштирувчи масъул давлат институтлари ва УМТлар орасида МБ (ККБ)ни тартибга солишдаги функцияларни ўзаро тақсимланиши зарурати, балански ва самараси.

МБ ва ҚҚБни мувофиқлаштирувчи масъул давлат институтлари ва ЎМТлар орасида МБ (ҚҚБ)ни тартибга солишдаги функцияларни ўзаро тақсимланишининг жаҳон тажрибаси ва истиқболлари.

*Ўзбекистонда МБ ва ҚҚБни мувофиқлаштирувчи масъул давлат институтлари ва ЎМТлар орасида МБ (ҚҚБ)ни тартибга солишдаги функцияларни ўзаро тақсимланишининг шароитлари, хусусиятлари, қонуний-меъёрий асослари, балански, самараси ва истиқболлари.*

**МБ ва ҚҚБда фонд биржаларини мувофиқлаштирувчи институтлар сифатида шаклланиши ва ривожланиши**

МБ (ҚҚБ)да ва иқтисодиётда фонд биржаларининг ЎМТ сифатидаги роли, вазифалари, функциялари ва фаолият механизми.

Жаҳон фонд биржаларининг ЎМТ сифатидаги фаолияти тажрибаси.

*“Тошкент” Республика Фонд Биржаси (РФБ) ва Республика Валюта Биржаси (РВБ), уларнинг хусусиятлари ва муаммолари, Ўзбекистон иқтисодиётидаги роли ва ЎМТ сифатида фаолият юритишини зарурати, истиқболлари.*

**МБ ва ҚҚБ мутахассислари малакасини тасдиқлаш (аттестациялаш) ва назорат қилиш**

МБ ва ҚҚБ мутахассислари малакасини ошириш, тасдиқлаш (аттестациялашнинг) ва фаолиятини назорат қилиб боришнинг зарурий аҳамияти, мақсади ва вазифалари. Ички

ва ташқи (давлат) аттестация.

МБ ва ҚҚБ мутахассислари малакасини ошириш, тасдиқлаш (аттестациялашнинг) ва фаолиятини назорат қилиб боришнинг жаҳон тажрибаси.

МБ ва ҚҚБ мутахассислари малакасини оширишнинг (қайта тайёрлаш), тасдиқлаш (аттестациялашнинг) ва фаолиятини назорат қилиб боришнинг Ўзбекистон тажрибаси ва ундаги муаммолар.

*Ш.Шохаъзамийнинг ҚҚБ мутахассисларини тайёрлаш консорциум маркази, унинг фаолияти ва ҚҚБдаги роли ва вазифаси.*

**МБ ва ҚҚБда профессионал фаолият**
**юритишни лицензиялаш**

*МБ ва ҚҚБда профессионал фаолият юритишни лицензиялашнинг зарурий аҳамияти, мақсади, вазифалари ва институтлари.*

МБ ва ҚҚБда профессионал фаолият юритишни лицензиялашнинг жаҳон тажрибаси.

Ўзбекистон МБ ва ҚҚБда профессионал фаолият юритишни лицензиялашнинг механизми, давлат институтлари, хусусиятлари ва муаммолари.

**МБ ва ҚҚБни мувофиқлаштириш жараёнида содир**
**бўлувчи баҳсларни ҳал қилиш**

МБ ва ҚҚБни мувофиқлаштириш жараёнларидаги баҳсларнинг турлари (ички ва ташқи), уларни содир булиши сабаблари ва ҳал қилиш усуллари (тинч йўли, аппеляция, суд) ва зарурий аҳамияти.

МБ ва ҚҚБни мувофиқлаштириш жараёнларидаги баҳсларни ҳал қилинишининг жаҳон тажрибаси.

*Ўзбекистонда МБ ва ҚҚБни мувофиқлаштириш жараёнларидаги баҳсларни ҳал қилиниши механизми.*

## 3. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИНГ НАМУНАВИЙ МАВЗУСИ

**Молия бозори (МБ) ва қимматли қоғозлар бозори**
**(ҚҚБ)ни мувофиқлаштириш асослари**

Жаҳон тажрибасида МБ ва ҚҚБни административ (маъмурий) усулда мувофиқлаштириш моделини қўлланишини ва ундаги муаммоларини амалий таҳлили.

Жаҳон тажрибасида МБ ва ҚҚБни индикатив усулда мувофиқлаштириш моделини қўлланишини ва ундаги муаммоларини амалий таҳлили.

Жаҳон тажрибасида МБ ва ҚҚБни корпоратив усулда мувофиқлаштириш моделини қўлланишини ва ундаги муаммоларини амалий таҳлили.

Жаҳон тажрибасида МБ ва ҚҚБни мувофиқлаштиришнинг маъмурий ва индикатив усулларини ўзаро солиштириш ва уларни қўлланишидаги ўзаро салмоғининг самарали балансини баҳолаш.*

МБ ва ҚҚБни мувофиқлаштиришнинг ўзбек модели ва муаммоларини амалий таҳлили.*

Ш.Шохаъзамий моделлари асосида МБ ва ҚҚБни индикатив усулда мувофиқлаштиришни талқин қилиш.

**МБ ва ҚҚБни давлат томонидан мувофиқлаштириш**

Жаҳон тажрибасида МБ ва ҚҚБни мувофиқлаштиришда давлат пул-кредит сиёсати параметрларининг таъсирини амалий таҳлили.

Жаҳон тажрибасида МБ ва ҚҚБни мувофиқлаштиришда давлат бюджет-солиқ сиёсати параметрларининг таъсирини амалий таҳлили.

Жаҳон тажрибасида МБ ва ҚҚБни мувофиқлаштиришда давлат антимонопол сиёсати параметрлари таъсирининг амалий таҳлили.

Ўзбекистонда МБ ва ҚҚБни давлат томонидан мувофиқлаштиришнинг Ўзбекистон тажрибаси (механизмини) ва ундаги муаммоларнинг амалий таҳлили.

Ўзбекистонда МБ ва ҚҚБни мувофиқлаштирнинг қонунчилик асослари самарадорлилигининг амалий таҳлили;*

Ўзбекистонда МБ ва ҚҚБни мувофиқлаштиришда Марказий Банк, Молия вазирлиги, Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштирувчи ва назорат қилувчи масъул органнинг ролини, вазифаларини ва ўзаро боғлиқлилигини амалий таҳлили.

Инвестиция институтлари фаолиятини текшириш тартибини ўрганиш.*

Акциядорлик жамиятлари фаолиятини текшириш тартибини ўрганиш. *

**МБ ва ҚҚБда ўз-ўзини мувофиқлаштириш**

Жаҳон тажрибасидаги МБ ва ҚҚБда ўз-ўзини мувофиқлаштириш механизми, ўз-ўзини мувофиқлаштирувчи ташкилотларнинг (ЎМТ) турлари ва уларнинг ўзаро алоқаси таҳлили.

ҚҚБда профессионал иштирок этишнинг этик қоидаларига амал қилиши самарадорлиги.

Ўзбекистон МБ ва ҚҚБда ЎМТ, уларнинг қонуний-меъёрий асосларини, ўзаро боғлиқлиги ва фаолияти самарадорлиги таҳлили.*

**МБ ва ҚҚБини мувофиқлаштирувчи масъул давлат институтлари ва ЎМТлар орасида МБ (ҚҚБ)ни тартибга солишдаги функцияларни ўзаро тақсимланиши**

Жаҳон тажрибасида МБ ва ҚҚБни мувофиқлаштирувчи масъул давлат институтлари ва ЎМТлар орасида МБ (ҚҚБ)ни тартибга солишдаги функцияларнинг ўзаро тақсимланиши баланси, самараси ва муаммоларининг умумий таҳлили.

Ўзбекистонда МБ ва ҚҚБни мувофиқлаштирувчи масъул давлат институтлари ва ЎМТлар орасида МБ (ҚҚБ)ни тартибга солишдаги функцияларнинг ўзаро тақсимланиши шароитлари, хусусиятлари, қонуний-меъёрий асослари, баланси (мувозанати) муаммолари, самараси ва истиқболлари таҳлили.*

**МБ ва ҚҚБда фонд биржаларини мувофиқлаштирувчи институтлар сифатида шаклланиши ва ривожланиши**

МБ (ҚҚБ)да фонд биржаларининг ЎМТ сифатидаги фаолият механизмини ва унинг самарасини ривожланган чет эл мамлакатлар фонд биржалари мисолида таҳлил қилиш.*

"Тошкент" Республика Фонд Биржаси (РФБ) ва Республика Валюта Биржаси (РВБ), уларнинг хусусиятлари ва муаммоларини, ЎМТ сифатида фаолият юритишини зарурий шарт-шароитлари ва истиқболларини таҳлили.

Фонд биржаларини масъул давлат органи томонидан текшириш тартибини ўрганиш.

**МБ ва ҚҚБ мутахассислари малакасини тасдиқлаш (аттестациялаш) ва назорат қилиш**

МБ ва ҚҚБ мутахассислари малакасини ошириш, тасдиқлаш (аттестациялашнинг) ва фаолиятини назорат қилиб бориш жаҳон тажрибасининг умумий таҳлили.

МБ ва ҚҚБ мутахассислари малакасини оширишнинг (қайта тайёрлашнинг), тасдиқлаш (аттестациялашнинг) ва фаолиятини назорат қилиб боришнинг Ўзбекистон тажрибаси, ундаги тартиб ва муаммолар таҳлили.*

Ўзбекистондаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштирувчи ва назорат қилувчи масъул органнинг ва Ш.Шохаъзамийнинг ҚҚБ мутахассисларини тайёрлаш

консорциум марказининг жорий тест-масалаларини ечиш.

**МБ ва ҚҚБда профессионал фаолият юритишни лицензиялаш**

ҚҚБда профессионал фаолият юритишни лицензиялашнинг жаҳон тажрибасини умумий таҳлили.

Ўзбекистон ҚҚБда профессионал фаолият юритишни лицензиялашнинг механизмининг (тартибини) амалий таҳлили*

Ўзбекистонда инвестиция институтларини лицензиялашда иқтисодий меёрлар кўрсаткичларини ҳисоблаш ва баҳолаш.

Ўзбекистонда инвестиция институтлари бўлган акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозлар бўйича ҳисоботларини тўлиқлиги ва ҳаққонийлигининг амалий таҳлили.

Ўзбекистонда қимматли қоғозлар билан товламачилик (манипуляция қилиш) ҳаракатларини аниқлаш.*

Ўзбекистонда инвестиция институтларининг қимматли қоғозлар эмиссияси рисолаларининг амалий таҳлили.

Ўзбекистонда лицензия қоидаларини бузган инвестиция институтларига нисбатан жазоларни қўллаш ва уларни ижросини назорат қилиб боришни амалга ошириш тартибини ўрганиш.*

**МБ ва ҚҚБни мувофиқлаштириш жараёнида содир бўлувчи баҳсларни ҳал қилиш**

МБ ва ҚҚБни мувофиқлаштириш жараёнларидаги баҳсларнинг турларини (ички ва ташқи), уларнинг содир бўлиши сабабларини умумий таҳлили.

МБ ва ҚҚБни мувофиқлаштириш жараёнларидаги баҳсларни ҳал қилинишнинг (тинч йўли, аппеляция, суд орқали усуллари ёрдамида) бўйича жаҳон тажрибасини ўрганиш.

Ўзбекистонда МБ ва ҚҚБни мувофиқлаштириш жараёнларидаги баҳсларни ҳал қилиш механизмини амалда қўллаш самарадорлиги.*

## 4. КУРС ИШЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ МАВЗУСИ**

1. Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорида ўз-ўзини мувофиқлаштириш механизми
2. Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорида тижорат банклари фаолиятини мувофиқлаштириш
3. Акциядорлик жамиятларининг молиявий фаолиятида эмиссия, дивиденд, инвестиция стратегияларини самарали балансини ташкил этишни мувофиқлаштириш
4. Давлат қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш механизми
5. Корпоратив қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш механизми
6. Муниципал қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш механизми
7. Ҳосилавий қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш механизми
8. Инвестиция институтлари фаолиятини мувофиқлаштириш механизми
9. Қимматли қоғозлар бозориини фонд биржалари ёрдамида мувофиқлаштириш
10. Қимматли қоғозлар бозорини корпоратив усулда мувофиқлаштириш механизми
11. Қимматли қоғозлар бозорини маъмурий усулда мувофиқлаштириш механизми
12. Қимматли қоғозлар бозорини индикатив усулда мувофиқлаштириш механизми
13. Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштирувчи масъул давлат институтлари ва ЎМТлар орасида фонд бозорини тартибга солишдаги функцияларни ўзаро тақсимланишининг самараси
14. Пул-кредит ва бюджет-солиқ сиёсатларини қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштиришга таъсири

15. Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштиришнинг ўзбек модели
16. Қимматли қоғозлар бозори мутахассисларини аттестациялаш механизми
17. 17.Инвестиция институтлари фаолияти турларини лизенциялаш механизми
18. 18.Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш жараёнларидаги баҳслар ва уларни ҳал қилиш йўллари
19. Қимматли қоғозлар билан товламачилик (манипуляция қилиш) ҳаракатларни аниқлаш ва олдини олиш механизми
20. Қимматли қоғозлар бозорида профессионал иштирок этишнинг этик маданияти қоидалари
21. Ўзбекистонда лицензия қоидаларини бузган инвестиция институтларига нисбатан жазоларни қўллаш ва уларни ижросини назорат қилиш самарадорлигини ошириш
22. Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорида информацион шаффофликни таъминлаш
23. Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорини давлат томонидан мувофиқлаштириш механизми
24. Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорининг қонуний-меъёрий асослари ва уларга амал қилиш самараси
25. Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозорида инвесторларни қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқларини ҳимоялаш
26. Ўзбекистонда депозитар тизимни тартибга солиш
27. Ўзбекистонда қимматли қоғозлар клиринги тизимини тартибга солиш
28. Ўзбекистонда қимматли қоғозларнинг нобиржа бозорини тартибга солиш
29. Ўзбекистонда қимматли қоғозларнинг биржа бозорини тартибга солиш
30. Ўзбекистонда ташкиллаштирилган валюта бозорини тартибга солиш
31. Қўшимча мавзулар.***

**Изоҳ:**

* - Талаба шу мавзуларни чуқур билиши лозим.

** - Фан бўйича ҳар бир талаба диссертация иши мавзусига ва мазмунига мос келадиган курс иши мавзусини танлаши мумкин, бунда курс ишининг биринчи иловасида мавзуга тегишли камида 10 тадан иборат тест-масалалар тўплами талаба томонидан ишлаб чиқилиб билимларни баҳолаш учун тавсия сифатида келтирилиши лозим.

*** - Мутахассислик кафедраси курс ишлари мавзуларига ўзгартиришлар ва қўшимча мавзуларини белгиланган тартибда киритиши мумкин.

## 5. ТАВСИЯ ЭТИЛГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА-НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ЎҚУВ ФИЛЬМЛАРИ ВА БОШҚА ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР

Ушбу дастурнинг фанни ўқитишдаги янги технологиялар, фанни ўқитиш семестрлари ва услубий кўрсатмалар бандларида кўрсатилганларнинг тегишлилари қўлланилиши ҳамда керакли ташкилотларнинг сайт ва электрон почталаридан фойдаланиш мумкин. Бунда керакли ташкилотларнинг сайт ва электрон почталари кафедра томонидан берилиб борилади.

**Тавсия этиладиган сайтлар:**

1. Фонд биржаларининг халқаро федерацияси http//www.fibv.com/
2. Қимматли қоғозлар бўйича комиссияларнинг халқаро ташкилоти http//www.iosco.org/
3. АҚШ Қимматли қоғозлар ва биржалар бўйича комиссияси http//www.sek.gov/
4. Европа иттифоқи директиваларининг тўлиқ матни http//www.europa.eu.int/

5. Франциянинг биржавий операциялари бўйича комиссияси http//www.cob.fr/
6. Италиянинг фонд бозори бўйича комиссияси CONSOB http//www.consob.it/
7. Испаниянинг фонд бозори бўйича миллий комиссияси CNMV http//www.cnmv.es/
8. Австралиянинг қимматли қоғозлар ва инвестициялар бўйича комиссияси ASIC http//www.asic.gov.au/
9. Ўзбекистон Республикаси Давлат Марказий Депозитарийси http//www.deponet.uz/
10. "Тошкент" РФБ http//www.uzse.com/
11. Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулки Қумитаси қошидаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази http//www.atm.uz/
12. Журнал "Рынок ценных бумаг" (РФ) http//www.rcb.ru/
13. ОЭСР http//www.oecd.org/
14. Европа инвестиция банки European Investment Bank http//www.eib.org/
15. Европа тикланиш ва тараққиёт банки European Bank for Reconstruction and Development http//www.ebrd.com/
16. Европа ва Осиё мамлакатлари фонд биржалари Федерацияси Federation of Euro-Asian Stock Exchanges http//www.feas.org/
17. Европа фонд биржалари Федерацияси Federation of European Stock Exchanges http//www.fese.be/
18. Шимолий Америка фонд биржалари Федерацияси Federacion Iberoamericana de Bolsas de Valores http//www.fiabv.org/
19. Меррил Линч Merrill Lynch http//www.ml.com/
20. Морган Стэнли Morgan Stanley http//www.ms.com/
21. Джи.Пи.Морган J.P.Morgan & Co. http//www.jpmorgan.com/
22. Буюк Британия, Молиявий хизматлар бўйича Кенгаш The Financial Services Authority http//www.fsa.gov.uk/
23. Германия, Қимматли қоғозлар ва фьючерслар бўйича Комиссия Bundesaufsichsamt fur den Wertpaplerhandel http//www.bawe.de/
24. Гонконг, Қимматли қоғозлар ва фьючерслар бўйича Комиссия Securities and Futures Commission http//www.hksfc.org.hk/
25. ХХР, Хитой фонд бозори бўйича Комиссия China Securities Regulatory Commission http//www.csrc.gov.cn/
26. Малайзия, Қимматли қоғозлар бўйича Комиссия Securities Commission http//www.sc.com.my/
27. Россия Федерацияси, Қимматли қоғозлар бўйича Федерал комиссия http//www.fedcom.ru/
28. Япония, Молия Вазирлиги http//www. mof.go.jp/

***Рейтинг агентликлари***:

29. Moody*s Investors Service http//www.moodys.com/
30. Standard & Poor*s http//www.standardpoor.com/
31. Fitch IBCA http//www.fitchibca.com/
32. Duff & Phelps Credit Rating Co. http//www.dcrco.com/

***Илмий тадқиқот ташкилотлари ва консалтинг фирмалари:***

33. Брайан Тэйлор тадқиқотлари Global Financial Data http//www. global findata.com
34. Иқтисодий тадқиқотлар Миллий бюроси (АКШ) National Bureau of Economic Research http//www.nberws.nber.org/papersbyprog/
35. Акциялар Немис институти Deutsches Aktieninstitut e.V. http//www.dal.de/
36. Internet Trading Group http//www. internettrading.ru/

*Ахборот агентликлари*:

37. Dow Jones Co. http//www.dowjones.com/
38. Reuters http//www.reuters.com/
39. Telestock http//www.teleserv.co.uk/

## 6. ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ

Ушбу фан бўйича ўқув режада жами 120 соат ажратилган бўлиб, шундан 40 соат маъруза, 40 соати амалий иш, 40 соат мустақил таълим. Ўқув жараёни давомида талаба тўплаши мумкин бўлган максимал балл 120 га тенг бўлиб, шундан жорий баҳолашга 48 балл, оралиқ баҳолашга 36 балл ва якуний баҳолашга 36 балл ажратилади. “Ёзма иш” вариантлар бўйича тузилиб, у ўқув дастурига тўлиқ мос келиши таъминланади ва талабалар рейтинг тизими асосида белгиланади.

Жорий ва оралиқ баҳолаш турлари учун фанга белгиланган баллар миқдори ўқув режаси бўйича ҳар семестрда ажратилган соатнинг 70 фоизи доирасида белгиланади. Ўқитилаётган фанга маъсул бўлган кафедранинг қарори билан мавзуларнинг мураккаблигига ва зарурийлигига қараб баллар қуйидаги кўрсаткичлар бўйича аниқланади:

- магистратура тингловчисининг ўқув жараёнидаги давомати ва фаоллиги;
- амалий машғулотларга тайёргарлик даражаси;
- фан бўйича қонуний ва меъёрий ҳужжатларни конспектлаш;
- кафедра томонидан белгиланган мавзулар бўйича реферат ёзиш;
- мустақил таълим доирасида берилган назорат ишларини бажариш.

Жорий ва оралиқ баҳолаш турлари “Ёзма иш” усулида ёки бошқа усулларда (оғзаки, тест, ҳимоя ва хоказо) ҳам ўтказилиши мумкин.

Якуний баҳолашда фан бўйича дастур тўла ўтилгандан сўнг магистратура тингловчисининг билими баҳоланади. Якуний баҳолашга ажратилган баллар миқдори ўқув режасида фанга ажратилган соатнинг 30 фоизи миқдорида белгиланади. Фан бўйича якуний баҳолаш босқичи белгиланган тартибда “Ёзма иш” усулида ўтказилади.

Олий таълим муассасаси фанлар учун баҳолаш турларининг ҳар бири бўйича рейтинг балларини ҳисоблаш механизмини ишлаб чиқади ва услубий кенгашда тасдиқлайди.

Семестр ёки ўқув йили давомида ўқитиладиган фан бўйича минимал 55 ва ундан юқори фоизни тўплаган магистратура тингловчиси қониқарли ўқиётган деб ҳисобланади. Фанлар бўйича минимал баллнинг 55 фоизидан кам балл тўплаган магистратура тингловчиси қониқарсиз (академик қарздор) ўқиётган деб ҳисобланади.

Семестр давомида фанлар бўйича тўпланган баллар қуйидаги ўзлаштириш кўрсаткичи билан баҳоланади:

- 86 фоиздан 100 фоизгача (103.2 баллдан 120 баллгача);
- 71 фоиздан 85 фоизгача (85.2 баллдан 102 баллгача);
- 55 фоиздан 70 фоизгача (66 баллдан 84 баллгача).

“Ёзма иш” вариантларини баҳолаш мезонлари кафедра мажлисининг баённомалари билан тасдиқланади.

## 7. АДАБИЁТЛАР

### Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
2. Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш - энг муҳим вазифамиз. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
3. Абдуллаев Е., Шохаъзамий Ш.Ш. Қимматли қоғозлар.100 савол ва жавоб – Т.:

Меҳнат, 1997, - 260 .
4. Бутиков И.Л. Қимматли қоғозлар бозори. – Т.: Консадитинформ, 2001. – 472 .
5. Рубцов Б.Б. Мировые фондовые рынки: современное состояние и закономерности развития. - М.: ФА.- 2000.-312с.
6. Шохаъзамий Ш.Ш. ва бошқалар. Тадбиркор қимматли қоғозлар бозорида.- Т.: Адолат, 2002.-275 б.
7. Шохаъзамий Ш.Ш. идр. Предприниматель на рынке ценных бумаг - Т.: Адолат, 2002.-215 с.

**Қўшимча адабиётлар**

1. Алексеев В.А. Рынок ценных бумаг – М: Финансы и статистика, 1993 – 250 с.
*2.* Биржевое дело: Учебник / Под. ред. В.А. Галанова, А.И. Басова. – М.: Финансы и статистика, 1998. – 304 с.
3. Рынок ценных бумаг и его финансовые институты: Учебное пособие / Под. род. В.С. Торкановского, - СПб.: АО “Комплект”, 1994. – 412 с.
4. Тьюлз Р., Бредли Э., Тьюлз Т. Фондовый рынок – 6-е изд.: пер. с англ. – М.: ИНФРА-М, 1997 – VIII – 648 с. (Унверситетский учебник).
5. Шарп У., Александер Г., Бэйли Дж. Инвестиции: Пер. с англ. – М.: ИНФРА-М, 1999 – XII, 1028 с.
6. Информационные бюллетени РФБ. “Ташкент”
7. Информационные бюллетени “Рынок ценных бумаг”, Агенства “Консаудитинформ”
8. Ўзбекистон Республикасининг молия, банк, қимматли қоғозлар бозорига доир қонуний-меъёрий ҳужжатлари.-система “ПРАВО”.